

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ХУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

научная электронная  
библиотека  
**eLIBRARY.RU**

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

## LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

**ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ**

**1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**  
ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АҲБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

**КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ**

**2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич**  
НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ  
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ..... 13

**3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Ҳикматулло қизи**  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 19

**4. АДИЛКАРИЕВА Феруза**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ ..... 26

**5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович**  
КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТҮҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ  
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ ..... 31

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ**

**6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна**  
ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 36

**7. ДЖУМАНОВ Аскар Ҳасанович**  
ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ..... 42

**8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли**  
АҲБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ..... 49

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ**

**9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o‘g‘li**  
МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНING ТАРАFLAR IXTIYORIGA BOG‘LIQ BO‘LMAGAN HOLATLAR  
ВО‘YICHA BEKOR QILINISHINING UMUMIY TAVSIFI ..... 54

**ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ**

**10. ЮНУСОВ Ҳайдарали**  
ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:  
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ ..... 61

**11. МАХАМАТОВ Махмуд**  
ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ..... 69

**12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**  
МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 74

**13. РАШИДОВА Комила Искандаровна**  
ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК  
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ ..... 81

## **МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT**

---

<b>14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович</b> ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	87
<b>15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ ....	91
<b>16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна</b> ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

### **ХУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	102
<b>18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна</b> ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ .....	107
<b>19. ЮЛДАШЕВА Говхержан</b> САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	112

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ХУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ХУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ФАЙЗИЕВ Х.С. Юридик хизмат фаолиятида хуқуқий ишнинг назарий жиҳатлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 102-106.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-17>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёнида юридик хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган “ҳуқуқий иш”, “ҳуқуқий масалалар”, “ҳуқуқий ёрдам” ва бошقا терминлар қўлланилиши, шу билан бирга, ушбу терминларнинг мазмуни аниқ ишлаб чиқилмаганлиги натижасида юридик адабиётларда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларни ноўрин ишлатилиши каби ҳолатлар кузатилаётганлиги кўрсатилган. Назарияда мавжуд бўлган асосий ёндашувлар таҳлил қилиниб, “ҳуқуқий иш” терминига муаллифлик таърифи илгари сурилган. Шунингдек, оммавий бошқарув мақсадларирага эришишда ҳуқуқий ишнинг натижалари ўта муҳим ҳисобланиши ҳақидаги хуолосалар асослантирилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий иш, ҳуқуқий масалалар, ҳуқуқий ёрдам, юридик хизмат, ҳуқуқий ишнинг йўналишлари, ҳуқуқий ишнинг субъектлари.

ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

### ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРАВОВОЙ РАБОТЫ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЮРИДИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ

#### АННОТАЦИЯ

В статье обосновывается, что в процессе правотворчества и правоприменения применяются термины, напрямую связанные с деятельностью юридической службы – «правовая работа», «правовые вопросы», «правовая помощь» и другие, вместе с тем, в результате отсутствия четкого определения содержания этих терминов, в юридической литературе и практике имеются случаи неправильного использования указанных терминов. На основе анализа имеющихся в доктрине основных подходов, выдвинуто авторское определение термину «правовая работа». Также делается вывод, что для государственных органов и организаций с публично-властными полномочиями, результаты правовой работы очень важны в достижении

целей государственного управления.

**Ключевые слова:** правовоая работа, правовые вопросы, правовая помощь, юридическая служба, направления правовой работы, субъекты правовой работы.

**FAYZIEV Khayriddin**

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law

## THEORETICAL ASPECTS OF LEGAL WORK IN THE ACTIVITIES OF THE LEGAL SERVICE

### **ANNOTATION**

The article substantiates that in the process of lawmaking and law enforcement, terms are used that are directly related to the activities of the legal service or legal adviser - "legal work", "legal issues", "legal assistance" and others, however, as a result of the lack of a clear definition of the content of these terms, in the legal literature and practice there are cases of incorrect use of these terms. Based on the analysis of the main approaches available in the doctrine, the author's definition of the term "legal work" is put forward. It is also concluded that for state bodies and organizations with public powers, the results of legal work are very important in achieving the goals of public administration.

**Keywords:** legal work, legal issues, legal assistance, legal service, areas of legal work, subjects of legal work.

Хукуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юридик хизмат ёки юрисконсульт фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган "ҳуқуқий иш", "ҳуқуқий масалалар", "ҳуқуқий ёрдам" ("юридик ёрдам"), "ҳуқуқий хизмат кўрсатиш" ("юридик хизмат кўрсатиш"), "ҳуқуқий маслаҳат" ("юридик маслаҳат") каби терминлар кўпланилари [1], [10], [11], [12]. Ушбу терминларнинг барчаси юридик хизмат тушунчаси билан узвий боғланган бўлиб, унинг мазмун ва моҳиятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур терминларнинг мазмуни борасида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги натижасида ҳуқуқий адабиётларда ва амалиётда турли баҳс-мунозаралар юзага келишини кузатиш мумкин. Жумладан, кенг кўпланиладиган «ҳуқуқий иш» термини таърифи ҳанузгача аниқ ишлаб чиқилмаган ва норматив жиҳатдан миллий қонунчилигимизда белгиланмаган. Бу ўз навбатида уни турлича талқин қилишга олиб келмоқда. Шу боис мазкур терминнинг мазмунини ойдинлаштириб олиш жоиз.

**"Ҳуқуқий иш" термини совет давридан бугунги қунга қадар.** "Ҳуқуқий иш" термини аслида совет даврида муомалага киритилган бўлиб, дастлаб адлия органларининг функциялари билан боғлиқ ҳолда, «адлия органларининг иқтисодий ва маъмурий ҳаётни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича умумий ишининг бир қисми» сифатида эътироф этилганди [2].

Юридик адабиётларда ҳуқуқий ишнинг турли таърифларини учратиш мумкин. Жумладан, россиялик олим А.С.Сазоновнинг фикрича, "...ҳуқуқий иш – бу иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишни таъминловчи ҳуқуқий воситаларни шакллантириш ва амалга ошириш бўйича фаолиятдир" [3]. Бошқа россиялик ҳуқуқшунос И.С.Шиткина тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий иш сифатида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича фаолият, деб тушуниради [4].

Профессор Ф.Х.Отахоновнинг фикрича, "...ҳуқуқий ишлар – бу жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларидаги давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда ҳўжалик юритиш ва бошқарув самарадорлигини янада ошириш мақсадида қонунийликни таъминлаш, ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланишга қаратилган фаолиятидир" [5].

Бизнингча, «ҳуқуқий иш» терминини тушунишда мавжуд тафовутларга қарамай, умуман, унинг тушунчасининг кенг қамровли таърифини шакллантириш мумкин. Ҳусусан, "ҳуқуқий иш"

– бу инсонларнинг маълум иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларга эришиш учун ҳуқуқий воситаларни яратиш ва қўллаш бўйича амалий фаолияти ҳисобланади. Шунингдек, мазкур таъриф, биринчидан, ҳуқуқий ишнинг мазмунини акс эттиради, иккинчидан, унинг фаолияти куйидаги соҳаларни қамраб олади:

белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳуқуқий воситаларни излаш, танлаш, расмийлаштириш ва амалий қўллашга қаратилган хатти-ҳаракатлар, аникроғи ҳаракатлар мажмуини шакллантиради;

ҳуқуқий иш ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида амалга оширилиши мумкинлигини изоҳлайди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари ўртасида ўтказилган сўров давомида иштирок этган респондентларнинг қарийб 30 % биз таклиф қилган ҳуқуқий ишнинг мазкур таърифига қўшилишди [6]. Шунингдек, 8,62 % ҳуқуқий ишни «корхоналар, давлат органлари ва муассасалар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан юритиш» сифатида тушуниш керак, деб ҳисоблашди.

Юқоридаги ёндашувларни инобатга олган ҳолда биз давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий иш таърифини шакллантиришга ҳаракат қилдик. Бизнингча, давлат бошқаруви органлари тизимида ҳуқуқий иш – бу давлат бошқаруви органи юридик хизмати томонидан ушбу орган ва унинг барча таркибий бўлинмаларида ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилиши ва амалга оширилишини ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштиришга йўналтирилган универсал тусга эга бўлган кўп қиррали фаолиятдир.

**Ҳуқуқий иш субъектларини аниқлаш – ҳуқуқий ишлар самарали юритилишининг гарови.** Ҳуқуқий ишни оқилона ташкил этиш ва самарали юритиш учун зарурый шарт – унинг субъектларини тўғри аниқлашдир. Юридик адабиётларда ҳуқуқий иш субъекти борасида турли нуқтаи-назарлар мавжуд [7]. Айрим адабиётларда ҳуқуқий иш субъектлари нафақат тижорат ва нотижорат ташкилотлари, уларнинг тузилмалари, мансабдор шахслари, балки давлат органлари, маҳаллий ҳокимият органлари ва судлар бўлиши ҳақидаги қараашлар ҳам мавжуд [8], [12], [13].

Фикримизча, ҳуқуқий иш субъектлари сифатида исталган эмас, балки ҳуқук муюмаласига эга шахслар, яъни юридик ҳуқуқларга эга ва юридик мажбуриятларни бажаришга лаёқатли шахслар намоён бўлиши мумкин. Шунингдек, жамият ҳаётнинг турли соҳаларида шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати турфа бўлиши мумкинлиги сабабли, ҳуқуқий иш иштирокчиларининг субъект таркиби ҳам турли хил бўлади ва бу фаолият юритилаётган ижтимоий ҳаёт соҳасига қараб сезиларли равишда фарқ қиласди.

Мазкур субъектлар ўз навбатида юридик фактларни вужудга келтиради. Иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳуқуқий иш субъекти бўлиб ҳуқук лаёқатига эга хўжалик юритувчи субъектлар: юридик шахс мақомига эга бўлган ташкилотлар, якка тартибдаги тадбиркорлар, фуқаролар, шунингдек фуқаролик ҳуқук лаёқатига эга бўлган мазкур шахслар бирлашмалари ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳуқуқий иш субъекти тегишли ташкилотнинг юридик хизмати эмас, балки тижорат ёки нотижорат ташкилотнинг ўзи ҳисобланади. Ушбу жараёнда юридик хизмат бошқа ҳуқуқий мақомга эга, яъни улар ҳуқуқий иш тадбирлари ижрочисидир. Бошқача айтганда, юридик хизматлар ҳуқуқий ишнинг “генератори” ҳисобланади. Бунда, давлат бошқаруви органларининг таркибий бўлинмалари, уларнинг раҳбарлари ва ходимлари берилган ваколатларга мос ҳолда ҳуқуқий ишнинг ташкилотчилари ва ижрочилари ҳисобланади.

Бундан ташқари, ҳуқуқий ишларни бажаришга кўп сонли ижрочиларни жалб қилиш ушбу ишда нафақат ҳуқуқий, балки ташкилий ва бошқарув компоненти ҳам мавжудлигини ҳисобга олиб, ижрочиларнинг меҳнатини ташкил этиш орқали уларни бирлаштириш, мувофиқлаштириш ва шу ҳолда ушлаб туришни тақозо этади. Турли ижрочилар ўртасидаги ўзаро алоқаларни оқилона ташкил этиш ҳуқуқий ишнинг юксак якуний натижаларга эришишини таъминлайди.

**Ҳуқуқий иш йўналишларини белгилаш – унинг тушунчаси ва мазмунини аниқлашнинг зарур шарти.** Ҳуқуқий иш йўналишларини аниқ белгилаб олиш, уни тушунишнинг дастлабки ва зарурый шартидир. Ҳуқуқий ишнинг йўналишлари – бу давлат органи (ташкилоти) фаолияти давомида бошқа субъектлар билан ўзаро ҳуқуқий муносабатларининг йўналишлари ҳисобланади. Ҳуқуқий ишнинг ҳар бир йўналиши ва кичик йўналиши ўзига хос хусусиятлар ва мазмунга эга бўлиб, улар ҳуқуқий ишнинг бошқа йўналиш ва кичик йўналишлари бўйича мазмунидан сезиларли даражада фарқ қиласди [9]. Бу ҳолат, умуман давлат органи ва ташкилотининг ҳуқуқий ишини ташкил қилишда, хусусан, уларнинг юридик хизматлари ишини ташкиллаштиришда ҳисобга олиниши зарурлигини англатади. Жумладан, ҳуқуқий ишнинг мазмуни остида ҳуқуқий ишнинг белгиланган мақсадларига эришиш учун ҳуқуқий воситаларни

яратиш ва қўллаш бўйича маълум ҳаракатлар (ҳаракатлар мажмуи)ни тушуниш керак [10].

Тегишли ҳаракатлар мажмуи оммавий бошқарув субъекти фаолиятининг стратегияси ва мазмуни, амалдаги қонунчилик, қонуности ҳужжатлари, суд прецедентлари қоидалари, шунингдек, тўпланган ҳуқуқий иш тажрибаси билан белгиланади. Бунда йўналиш ва кичик йўналиш бўйича ҳуқуқий ишнинг мазмуни билан умуман ташкилот ҳуқуқий ишининг мазмунини фарқлаш лозим. Шуни эсда тутиш лозимки, ҳуқуқий иш мазмунига кирадиган ҳаракатлар (ҳаракатлар мажмуи) турли йўллар билан амалга оширилади ёки амалга оширилиши мумкин.

**Ҳуқуқий иш услубарининг юридик хизматлар компетенциялари билан ўзаро боғлиқлиги.** Ҳуқуқий ишнинг мазмуни ҳақида сўз юритилганда, унинг услублари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳуқуқий иш услублари – ҳуқуқий воситаларни яратиш ва қўллаш бўйича муайян ҳаракатлар содир этиш усуслари ва услублари ҳисобланади. Амалиёт шундан дарак берадики, ҳуқуқий ишнинг юқори якуний натижаларига эришиш учун ушбу ишни ҳар бир йўналиш (кичик йўналиш) бўйича юритишнинг энг мақбул усусларини аниқлаш, сўнgra амалга оширилишини таъминлаш керак. Биз ушбу масалаларни анъанавий тарзда юридик хизматнинг масъулиятли соҳаси, деб ҳисоблаймиз. Таҳлиллар ҳуқуқий иш услублари юридик хизматларнинг компетенцияларига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бунда юридик хизмат компетенцияси, биринчидан, унинг ихтиёридаги ҳуқук ва ваколатларида, иккинчидан, ушбу ҳуқук ва ваколатларидан қай даражада фойдалана олинишини англатади.

**Юридик хизмат ва иштирокчиларининг функциялари.** Ҳуқуқий ишни олиб бориш йўналишлари, мазмуни ва усуслари ушбу ишда иштирок этувчи ижро чиларнинг функцияларини белгилайди. Юридик хизмат – бу шундай ижро чилардан биридир, лекин бу юридик хизмат ижро этиш функцияларининг тўлиқ мажмуига эга эканлигини англатмайди.

Адабиётларда юридик хизматнинг универсал функциялар мажмuinи аниқлашга уринишлар бўлган. Ҳусусан, ҳар қандай давлат бошқаруви органи юридик тузилмаларига хос бўлган функциялар мазмунини таҳлил қилиш орқали қўйидаги асосий функцияларни ажратиш мумкин: шартномавий-ҳуқуқий иш, локал (ички) норма ижодкорлиги ва ташкилий-фармойиш қўринишидаги ҳужжатларнинг қонунийлиги, шикоят ва даъво иши, давлат бошқаруви органи ва унинг тизимиға кирадиган қўйи органлар ҳамда ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини, шунингдек давлат бошқаруви органи томонидан кўрсатиладиган хизматлар (ишлар) сифатини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш, ходимларнинг вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларида иштирок этиш, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўзаро муносабатларда давлат бошқаруви органининг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан, судларда вакиллик қилиш ва ташкилот ходимларининг ҳуқуқий маданиятини (ички идоравий таълим, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш) шакллантириш.

Ҳуқуқий ишнинг йўналишлари, мазмуни ва усуслари юридик хизмат функцияларини эмас, балки ижро чиларининг функцияларини белгилайди, десак тўғрироқ бўлади. Кейинчалик бу ижро функциялари турли таркибий тузилмалар, алоҳида ходимлар ва ташқи маслаҳатчилар ўртасида тақсимланади. Ушбу функциялардан қайси бири юридик хизматга ўтказилиши турли хил ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа ҳусусиятларга, шу жумладан юридик хизмат ходимлари таркибига ҳам боғлиқdir.

Бошқача айтганда, функционал нуқтаи-назардан маълум бир ижро чилнинг ўзи эмас, балки у ҳуқуқий иш жараёнига қанчалик таъсир ўтказиши муҳимлиги билан характерланади. Шунга кўра, ҳуқуқий иш ижро чиларининг қўйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин: *бошқарув; ташкилий; ижро; назорат; ахборот ва маслаҳат*. Жумладан, бошқарув функцияси ҳуқуқий ишни йўлга қўйишдан иборат бўлиб, у ҳуқуқий ишни амалга оширишда масъулдан энг муҳим ҳуқуқий ва ташкилий қарорлар қабул қилиш ваколатларини тақдим этишни назарда тутади.

**Ташкилий функция** эса умумий ёки ҳудудларда ҳуқуқий иш жараёнига ташкилий таъсир кўрсатишни таъминлашга йўналтирилган бўлиб, у қўйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқий ишни режалаштириш; масъул раҳбарларнинг доирасини аниқлаш; ижро чиларнинг ўзаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш ва ҳаракатини мувофиқлаштириш. Шунингдек, *ижро функцияси* аниқ йўналишдаги ҳуқуқий ишнинг мазмунига киритилган муайян ҳаракатлар (ҳаракатлар мажмуи) ни бевосита амалга оширишdir.

*Назорат функцияси* бошқа ижро чилар томонидан бажарилган ишларни белгиланган талабларга мувофиқлигини текширишдан иборат. *Ахборот функцияси* маълумотни дарҳол ижро чиларга етказишни англатиб, қарор қабул қилишда ва ҳуқуқий иш мазмунидаги

амалларни бажаришда айнан шу ахборотлар ҳисобга олиниши керак. *Маслаҳат функцияси* эса ижрочиларга уларда мавжуд бўлган ҳукуқий масалалар бўйича тушунтиришлар беришdir.

Ўзбекистонда давлат органлари ва ташкилотларида ҳукуқий ишларни мувофиқлаштириш, уларни яхшилашгагоир тавсиялар ишлаб чиқиш, юридик хизматларга зарур кўрсатмалар бериш, аниқланган тизимли камчиликларни бартараф этиш юзасидан методик ёрдам кўрсатиш вазифаси адлия органларига юклатилган [11]. Шунингдек, юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, улар томонидан амалга оширилаётган ҳукуқий ишлар ҳолатини ўрганиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ҳукуқий ишларнинг аҳволи юзасидан текширишлар ўтказиш ҳам адлия органлари ваколати доирасига киритилган [12].

**Хулоса.** Юқоридаги ёндашувларни инобатга олган ҳолда давлат бошқаруви органлари тизимида ҳукуқий ишнинг аниқ таърифини шакллантириш масаласини ҳал қилиш лозим. Бунда юридик хизмат томонидан ҳукуқий нормаларнинг ўрнатилиши ва амалга оширилишини ташкиллаштириш ҳамда мувофиқлаштиришга йўналтирилган универсал характерга эга бўлган кўп қиррали фаолият амалга оширилиб келаётганлигини ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ҳукуқий хизмат кўрсатиш йўналишларини ўз ичига олган тузилмавий бирликлар ўртасидаги ҳукуқий иш йўналишларидағи функцияларни тақсимлаш – ҳукуқий ишнинг энг мураккаб жиҳатларидан бири ҳисобланиб, ҳукуқий ишнинг якуний натижаси эса кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Шунингдек, оммавий ҳокимият ваколатларига эга ташкилотлар учун давлат бошқаруви мақсадларига эришишда ҳукуқий ишнинг натижалари ўта муҳим ҳисобланади.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳукуқий муаммолари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2019
2. Основные вопросы организации юрисконсультов госорганов. Еженедельник советской юстиции. 1923. 19 сент. – № 37.
3. Сазонов А.С. Проблемы организации правовой работы на предприятии // Бизнес, менеджмент, право. 2002. – № 1. – С. 30.
4. Шиткина И.С. Правовое обеспечение предпринимательской деятельности: теория и практика. Право и бизнес. – М., 2012. – С. 9.
5. Отахонов Ф. Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизматнинг назарий-ҳукуқий муаммолари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент, 2019.
6. 2019 йилда республика давлат органлари ва ташкилотларининг 138 нафар юридик хизмат ходимлари ўртасида, шунингдек 2020 йилда Тошкент вилоятининг давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари 140 нафар юридик хизмат ходимлари ўртасида ўтказилган сўров.
7. Айзин С.М., Тихомиров М.Ю. Юридическая служба на предприятии: настольная книга юрисконсультата. Третье издание, дополненное и переработанное/– М., 2003; Северин В.А. Теория и практика правовой работы в коммерческих организациях// Вестник Московского университета. Сер.11. Право, 2011. № 2.
8. Цветков И.В., Филиппова С.Ю. Организация правовой работы: в помощь корпоративному юристу. – М., Проспект, 2014.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом // URL: <https://lex.uz/docs/3098964>.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом // URL: <https://lex.uz/docs/3681790>
11. Отахонов Ф.Х. Ўзбекистон Республикасида юридик хизмат (назарий ва малий муаммолар). Монография. – Т.: Адолат, 2007;
12. Отахонов Ф.Х. Проблемы юридической службы органов управления Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 1993;
13. Бельская Е.В., Каллистратова Р.Ф. К вопросу о понятии “правовая работа”/Правовая работа в условиях перестройки. – М., 1989.